



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ЎНИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Мухтарам фестивал иштирокчилари! Қадрли меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, қарийб уч минг йиллик тарих ва маданиятга эга бўлган, қадимий ва гўзал Самарқанд шаҳрида, не-не буюк воқеалар гувоҳи бўлмиш мана шу муаззам ва улугвор Регистон майдонида сиз, азизларни — «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивали қатнашчиларини чин қалбимдан муобрақбод этишга, Самарқанд ахли номидан, бутун халқимиз номидан «Хуш келибсиз Ўзбекистонга, хуш келибсиз Самарқандга!» деб, қизгин салом ва эзгу тилакларимизни етказишга ижозат бергайсиз.

Фестивалимизда иштирок этаётган фахрий меҳмонларимиз — ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Эрик Фальт, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилотининг Осиё минтақаси бўйича Бош котиби Мун Хюнг Сук, Япониянинг «Мин-он» музика уюшмаси президенти Хироясу Кобаяши жанобларига, бугунги маросимда ҳозир бўлган дипломатик корпус вакилларига самимий эҳтиромимни билдиришдан мамнунман.

Мен учун қадрдон бўлган Самарқанд ахлини кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, сиз, азиз ҳамшаҳрларимга, барча-барчангизга ўзимнинг фарзандлик меҳрим ва хурматимни яна бир бор изҳор этаман.

Азиз музика ихлосмандлари! Мухтарам дўстлар!

Музика санъати инсонни ҳамisha эзгуликка қорлайдиган, ҳар қайси одамнинг қалбидagi энг нозик, энг гўзал туйғуларни уйғотадиган буюк илохий куч, десак, ўйлайманки, ҳеч ким бу фикрни инкор этолмайди. Чиндан ҳам, дунёдаги турли миллат, тил ва этник тоғрада мансуб одамларни, элу элатларни ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлайдиган, муштарак мақсадлар йўлида бирлаштирадиган музика санъати каби қудратли воситани топишнинг ўзи қийин.

Биз бу йил «Шарқ тароналари» халқаро музика фестивалининг ўнинчи — ўзига хос юбилей анжуманини ўтказмоқдамиз. Фестивалга асос солинган 1997 йилдан буён иштирокчи мамлакатлар жўрофияси кенгайиб, уларнинг сони икки барбардан зиёд бўлиб, 31 тадан 66 тага етганининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Бу йилги музика байрамимизга Осиё ва Африка, Европа ва Америка қитъаларида, Шарқ ва Ғарб минтақаларида жойлашган ўнлаб давлатлардан ноёб истеъдод соҳиблари, машҳур ижодий гуруҳлар ташириф буюргани ўтган қисқа даврда фестивалимизнинг довури бутун дунёга тараннум этилиб, унинг обрў-этибори ва нуфузи тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Бунинг замирида аввало фестивалнинг юксак гуманистик ғоялари мужассам бўлиб, «Самарқанд руҳи ва фалсафаси» деган чуқур маъноли ибора халқлар ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга, маданий мулоқотни ривожлантиришга, мумтоз музика аъёнalarини асраб-авайлашга олиб келаётгани барчамизни қувонтиради, албатта.

Бунда авваламбор мана шу майдонда тўпланган сизлар каби ҳақиқий санъат усталарининг жонкуярлиги ва фидойилиги, халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда, ЮНЕСКОнинг муносиб хиссаси, ушбу анжуманини жонли дили билан қўллаб-қувватлаб келаётган халқимизнинг катта хизматлари борлигини яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Хурматли дўстлар! Шу кунларда буюк Шарқ тимсоли бўлган кўхна Самарқанднинг замоналар руҳини ўзида мужассам этган

ўлмас обидаларидан, мовий гўмбазлари ва юксак минораларидан, маҳобатли пештоқларидан гўёки асрлар садоси таралаётгандек, шу муқаддас заминда яшаб, ижод қилган улуг мутафаккирлар, аллома ва санъаткорларнинг овозлари янграб тургандек туюлади.

Биз учун кўхна тарихнинг ўлмас саҳифаларини очиб берадиган, Рим каби «абдий шаҳар» деган юксак эътирофга сазовор бўлган ана шу шаҳарда сизлар билан учрашар эканмиз, бугунги кунда турли муаммо ва зиддиятларга тўла замон қандай тез ўзгариб, қандай шиддат билан ўтиб бораётганини чуқур ҳис этамиз. Шу билан бирга, умримизга маъно-маъмун бахш этадиган маданият ва санъат олами билан яқиндан ошно бўлиш, жаҳонда тинчлик ва оқсоқилликни сақлаш, бу гўзал ҳаётни қадрлаш, халқларимизнинг маданий бойликлари билан бир-биримизни кўпроқ баҳраманда этиш заруратини янада тегиз-тегизлаш. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Ер юзининг сайқали» деб шуҳрат қозongan кўхна Самарқанд мана шундай шуқуҳли айёмда, таъбир жоиз бўлса, жаҳон музика санъатининг сайқалига, ўзига хос бетакрор марказига айланиб бораётгани барчамизни хурсанд қилади.

Америка Кўшма Штатларида чоп этиладиган нуфузли нашрлардан бири яқинда Самарқанд шаҳрини «Дунёнинг албатта бориб қўриш керак бўлган эликта шаҳри» рўйхатига киритди. Бу хабар жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарқалди ва ўйлайманки, сизлар бундан хабардорсиз.

Бу қадимий шаҳарнинг тарихи қанчалик буюк ва шарафли бўлса, унинг бугунги ҳаёти, замонавий қиёфаси ҳам шунга уйғун ва ҳамоханг равишда ҳар томонлама обод ва гўзал бўлиб бормоқда. Ўйлайманки, фестиваль кунларида сизлар шаҳримизнинг қадимий зиёратгоҳлари, майдон ва хиёбонлари, обод маҳаллаларида бўлиб, бу заминнинг кўпни кўрган, кўнгли очик, мард ва хушфелъ, ўз урф-одат ва қадриятларини асраб-авайлаб келаётган одамлари билан суҳбатлашиб, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

Самарқанд халқининг меҳмондўстлик фазилатларидан баҳраманда бўлиб, бу афсонавий шаҳарга бир умр мафтун бўлиб қоласиз, санъатни чин дилдан севадиган, уни юксак қадрлайдиган эл-юртимиз вакиллари билан бўладиган самимий суҳбат ва мулоқотлар янги асарлар учун илҳом манбаи бўлиб қолади, десам, адашмаган бўламан.

Биз сизларни нафақат мухтарам меҳмонларимиз, балки ўз халқининг қалби ва руҳини музика орқали ифода этадиган, уларнинг эзгу орзу-истаклари ва саломини етказадиган тинчлик ва дўстлик элчилари, ўзимизнинг энг яқин ва азиз дўстларимиз сифатида қабул қиламиз ва шарафлаймиз.

Сизларнинг мана шу улугвор сахнада янграйдиган мафтункор куй ва қўшиқларингиз, дилбар тароналарингиз ҳар биримизнинг юрагимизда, хаёлимизда узоқ сақланиб қолади. Ўз қимматли вақтингизни аямасдан, бизга мана шундай ажойиб санъат намуналарини, мана шундай қувончли дақиқаларни бахш этганингиз учун барчангизга катта миннатдорчилик билдириш, ўзбекона раҳмат айтиш — мен учун катта шараф. Доймо соғ-омон бўлинг, азизларим!

Шу юксак минбардан туриб, барчангизга яна бир бор ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни билдириб, сизларга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, фестиваль ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.



ЖАҲОН УЗРА ТАРАЛМОҚДА «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»

Самарқанд шаҳрида 28 август куни «Шарқ тароналари» X халқаро музика фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди

Қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд кўшалок байрам оғушида. Музикалигимизнинг 24 йиллиги ва «Шарқ тароналари» X халқаро музика фестивалига қўрилган тайёргарлик шаҳарга янада фойз ва чирой бахш этган. Кенг ва озода кўчалар

бўйида ранг-баранг байроқлар хилпирайди. Сўлим боғ ва хиёбонлар таровати кишига хуш кайфият бағишлайди. Одамлар юзидаги табассум катта байрам яқинлашаётганидан дарак беради.

Сўзда таърифлаб, қаламда тасвирлаб

бўлмайдиган ҳис-туйғулар музикада ўз ифодасини топади. Уни тушуниш, таъсирини сезиш учун таржимон шарт эмас. Музика халқларни, турли миллат ва элатларни бир-бирига танитади, яқинлаштиради.

► Давоми 3-бетда.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таникли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларида самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Япония Императори — Акихито

Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — Йоахим Гаук

Рим-католик черкови раҳбари — Папа Франциск

Беларусь Республикаси Президенти — Александр Лукашенко

Тожикистон Республикаси Президенти — Имомали Раҳмон

Бангладеш Республикаси Президенти — Абдул Ҳамид

Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши-нинг Раиси — Рауль Кастро Рус

Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси — Ким Ен Нам

Грузия Бош вазири — Ираклий Гарибашвили

Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Бош котиби — Ийяд Амин Маданий

«Туркистон — Америка ассоциацияси» раиси — Абдулла Хўжа

«МАКСАМ» компаниясининг президенти ва ижрочи директори — Хосе Фернандо Санчес-Хунко

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети-нинг ректори — Виктор Гришин

Қутловлар келиши давом этмоқда.

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ ВА ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙМИЗ!

► Давоми 4-5-бетларда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДАА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчилиكنи такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта хиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Каршиев Хамдам Аликулович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Ташкулов Акбар Джурабаевич — Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси бошлиги

Узаков Шухрат Шарапович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори

Улжаев Қаҳрамон — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Эсанова Замира Нормуратовна — Тошкент давлат юридик университети-нинг «Фуқаролик-процессуал ва ҳўжалик-процессуал ҳўқуқи» кафедраси мудири

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта хиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Проценко Сергей Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирилик бошқарма бошлиги

Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Рустамов Одилов Бакиевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

► Давоми 2-бетда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТҮРТ
ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ,
МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН
БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Ибатходжаев Лазизхон Казимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Каримов Акбар Абдисамиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Мирходжаев Азимжон Мирхосилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Саидов Бахтиер Йигиталиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари

Янгибоев Боходир Абдирахмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Игамова Мунира — Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси

Каипбергенов Ерпулат Тулепбергенович — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари
Курбанбаев Есет Джамбулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Куртбидинов Абиджон Иноятovich — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Қашқадарё вилоятлараро бўлими етакчи эксперти

Очилдиев Сайфиддин Сайилович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

Хабиева Гольфия Фаридовна — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси халқаро божхона ҳамкорлиги бошқармаси бўлим бошлиги

Шевелев Антон Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бўлим катта штурмани

«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахимов Сардор Уринбоевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Аминов Кудрат Абдирасулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм вазод командири

Джурбаев Фарходжон Алишерович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Нематов Элер Бахрамжонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Холбеков Бекзод Бошмонович — Давлат божхона қўмитаси Самарқанд вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бўлинимаси бошлиги

Эркинов Дониер Эркинович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Эшматов Алиер Тўхтабоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Окилжон Камолдинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Абдурашуев Турсинбай Идатуллаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Аллазов Дильмурод Тоштемирович — Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

Алларов Фаррух Рустамбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Арапов Алибек Усеркулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Астанов Санжар Саматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ахмедов Мухаммад Мирзажонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Барлибаев Бахром Норжигитович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бойхуджаев Гайрат Хуснидинович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиги

Джурбаев Маъсуд Косимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Жумабоев Темур Махаммадович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Жумаев Санжар Абдисаламович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Жумаев Ҳаким Хусанович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Жуманиёзов Фуломбек Исмаилович — Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнгин хавфсизлиги қисми катта йўриқчиси

Кадинова Дурдонахон Рустамовна — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

◀ Давом. Бошланғич 1-бетда.

Дониер Шерзод Рустамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

Дусанов Нурали Шерматович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикли бошлиги

Жалолов Мирқодир Мирхожиевич — Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлигининг ўринбосари

Илесов Махмуд Улмасович — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

Камолов Бобур Камолович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Курбақий Алексей Александрович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Марказ бошлиги

Кутлимуратов Мирза Жулибаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети бошлигининг ўринбосари

Матякубов Абборбек Низаматдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

Мирзаев Сирожиддин Валиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Муратов Дониер Шодибаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Муродуллаев Зоиржон Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшиқ қўмондонлик билим юрти йўриқчиси

Мусаев Гулямджан Каримович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Режим ва кадрлар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси

Нуратдинов Оринбасар Турсинбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Обидов Баходиржон Мансуржонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

Рашидов Истам Багирович — Самарқанд вилояти прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлиги

Рўзमतов Фарходжон Муродович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма хизмат бош муҳандиси

Саидов Абдусобирижон Абдурахмонович — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бошқармаси бошлиги

Саттаров Умиджон Иброхимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим катта офицери

Узаков Абборжон Каримович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Файзиев Нуралли Фазлиддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Хикматуллаев Самандар Юсуфжонович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиги

Шарипов Уктам Нормунинович — Жиззах вилояти Зомин тумани ички ишлар бўлими тергов бўлинимаси бошлиги

Шорайимов Ҳакимжон Абдукаюмович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Институти ўқитувчиси

Яхеев Бахтиер Турдибаевич — Навоий вилояти прокурорининг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаева Дилдора Кабилджановна — Тошкент шаҳар Чилонзор тумани адвокатлар ҳайъати адвокати

Адашбоев Бахриддин Мехриддинович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Бабаязов Равшан Шарипович — Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиги

Бобожонов Атагалди — Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди судьяси

Боймирзаев Адхамжон Акрамович — Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

Ботиров Умидахон Хамражоновна — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани прокуратураси катта ноири

Бурханов Илхом Халбутаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинима бошлиги

Вягнер Александр Яковлевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим катта офицери

Гулов Дилшод Дилмуродович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционер

Ельчин Евгений Евгеньевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Жамалов Илхомжон Тулкинович — Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Чортоқ тумани кенгаши раиси

Зарипова Гаухар Сарсенбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик суди судьяси

Ибрагимов Илхам Искандарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

Ибрагимова Дилорам Ахмедовна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларини турқумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Каримов Азамат Саъдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Коплонов Шомурод Баротович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Курбанов Мансур Нарбутаевич — Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

Кучкарова Дилфуза Насретдиновна — Қашқадарё вилояти прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ихроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси

Кучкоров Зухриддин Очилович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

Маликов Ҳаким Каримович — Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани суди раиси

Мамиталиев Муҳриддин Раҳимдинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби дивизион командири

Мартинова Марина Сергеевна — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютаси оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг молия-ҳўжалик бўлими бошлиги

Махмудов Иброҳим Бустонович — Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Мунинов Раҳматилла Холмаатович — Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Мусаев Қобилжон Каюмович — Фарғона вилояти прокуратураси судларда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори

Мухамедов Батир Кахраматович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мухамедова Зебиниса Иброҳимовна — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиги

Пиримкулов Элмурод Норзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат катта муҳандиси

Попандопуло Светлана Константиновна — Тошкент шаҳар Яшнобод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

Рзаков Ойбек Олимжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Рахманова Дилрабо Шариповна — Урганч ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

Раҳматов Алишер Ҳамедович — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинимаси бошлиги

Раҳматов Зафар Тўйчиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта механиги

Рузиев Аслиддин Иззотуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

Суяров Навруз Абдақимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техник

Тўраев Саттор Тўғлиевич — Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси кутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

Ҳайдаров Мурод Мардонвич — Бухоро вилояти Когон тумани маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари

Ҳакимов Жамшид Мамаджонович — Сурхондарё вилояти Узун тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиги

Ҳакимов Мухторжон Махмуджонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Халилова Моҳира Садирдиновна — Навоий вилояти Навбахор тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудири

Хасанова Мамура Урмановна — Тошкент вилояти Оҳангарон тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

Худойкулов Фарҳод Эшқувватович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ секция командири

Шойзаков Иброҳим Тиллабердиевич — Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиги

Эргашев Восилжон Юнусович — Фарғона вилояти Бешариқ тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиги

Эримбетов Мансур Худайбергенович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эрматов Эркинбай Каршибаевич — Суд ижрочиларининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар бўлими бошлиги

Юсуфхўжаев Иззатиллаҳон Умидулла ўғли — Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси «Бош почта» ташкилотиди фаолият божхона пости бошлиги

Якибжанов Ҳамид Гадиғарбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиги

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 27 август

БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ

Азиз газетхон! Бундан роппа-роса ўн икки йил олдин, Мустақиллик байрами арафасида «XXI АСР ЎЗБЕК БОЛАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОРЗУ ҲАВАСЛАРИ» сарлавҳаси остида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 12 ёшли 14 нафар истиқлол фарзандларига ушбу саволлар билан мурожаат қилган эдик:

1. Катта бўлганимда ким бўлмоқчисан? 2. Нега айнан шу касбни танладим?

2015 йил Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги шодиёналари арафасида 24 ёшга тўлган ўша йигит-қизларнинг бугунги ҳаётлари ҳақида ҳикоя қилишга ваъда берган эдик.

Орадан ўн икки йил ўтди. Биз улар билан яна учрашдик.



Худойберди
МИРҲОСИЛОВ,
Жиззах вилояти:

2003 йил. «Ўқитувчи бўлмоқчиман. Нимага деганда, у ҳаммани ўқитади, ўргатади. Кўп нарсани билади. Яна шохмоччи бўлгим келади. Америкага бориб ўқигим келади.»

2015 йил. — Вақтнинг қанчалик тез ўтиб бораётганига қаранг. Кўз очиб юмгунча 12 йил ортда қолди. Дастлаб Тошкент давлат техника университетининг Чилонзор академик лицейида ўқидим. Кейин ҳарбий хизматга бордим. У ердаги тарбия-интизом мени сабот ва ҷидамга ўргатди, тоблади. Менимча, ҳар бир йигит чинакам ҳаёт қандайлигини билиши учун армияда хизмат қилиши керак. 2012 йилда ҳарбий хизматдан олиб ўқув юртига қиришда имтиёз берадиган тавсиянома билан қайтдим ва тест синовларини муваффақиятли топшириб, Тошкент молия институтининг «Солиқлар ва солиққа тортиш» факультетига ўқишга кирдим.

Шу кунгача мазкур йўналишда ўндан ортиқ илмий мақолаларим нашр этилди. Инглиз тилини мукаммал ўрганиб, ривожланган мамлакатларнинг солиқ тизимига оид тажрибасини ўрганилман. Келгусида магистратура-ни хорижда давом эттирмоқчиман.

Ҳаёт ҳаммининг олдида савол кўяр экан. Унинг ўз имтиҳонлари бор экан. Бундан 12 йил олдин орзулар оғушида юрган бола эдик. Газетада чиқаришганида жуда ҳурсанд бўлганман. Ўртоқларимга мақтанганман. Ўшанда бизнинг зимманимизга жуда катта масъулият юкланганини унчалик ҳис қилмаган эканман. Мана, ҳаётнинг ўзи сарҳисоб сўраяпти.

Ҳали эришолмаган орзуларим кўп. Топширилмаган имтиҳонлар ҳам бор. Ишонтириб айтаманки, Мустақиллик тенгдоши, деган шарафли макомни, албатта, оқлайман.



Азиза ҲАМРОЕВА,
Навоий вилояти:

2003 йил. «Табиатга қизиқаман. Табиат мўъжизалари ҳақида китоб ёзишни орзу қиламан.»

2015 йил. — Академик лицейни тамомлагач, Навоий давлат педагогика институтига ўқишга кирдим.

Ўйлаб кўрсам, ҳаётимдаги энг қувончли дамлар, воқеалар мустақиллик байрами арафасида содир бўлар экан.

2015 йил мен учун жуда омадли йил бўлди. Институтнинг магистратура бўлимини муваффақиятли тамомладим. Навоий кончилиқ коллежида ўқитувчи бўлиб иш бошлаш арафасидаман.

Келажақда Ўзбекистонни севадиган, унинг манфаатлари учун курашадиган, мустақиллиқни, қадрига етдирган болаларга таълим-тарбия беришдек масъулиятли ишга ўзимни бағишламоқчиман.

Энг катта орзуларимдан яна бири — «Талабаларда экологик билимларни шакллантиришда кўш нурланишининг атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш» мавзусидаги илмий ишларимни давом эттириб, докторлик диссертацияси ҳимоя қилмоқчиман.

Инсон табиатининг бир бўлаги ҳисобланади. Биз табиатимиз, табиат эса биз. Унга тажовуз қилсак, ўзимизга ёмонлик қилган бўламиз. Уни асрасак ўзимизни, келажақни эҳтиётлаган, келгуси авлодларга ўз ҳолича етказган бўламиз.

Тараққиёт қанчалик юксалса, экологик муаммолар ҳам шунчалик ортади. Шу боис биз ёшлар табиатиимизни кўз қорачигидек асрашимиз, аҳоли ўртасида экологик маданият шаклланишига ўз ҳиссамизни қўйишимиз лозим.

Мустақиллик тенгдошлари барча соҳада олдинда бўлишлари керак, деб ўйлайман.



2015 йил. — Спортга бўлган қизиқишим туфайли Деновдаги «Ҳазорбоғ» каратэ клубига қатнай бошладим. Бу ерда менга Абдура-сул Ҳўжамиев каратэ сирларини ўргатди. Лекин китоб ўқиш ҳам ода-тимга айланди. Кейин бирин-кетин мусобақалар, ғалабалар, қувончлар, машаққатли машқлар бошлади.

Дастлаб туман ва вилоятда ўтказилган мусобақалар ғолиби бўлдим. 2004 йилда Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни кўлга киритдим. 2008 йилда эса мамлакат терма жамоаси сафидан ўрин олдим. 2008 йил Италиянинг Жиселло шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қумуш медалга сазовор бўлдим, 2009 йилги Осиё чемпионатида ҳам 2-ўринни эгалладим. 2010 йили Хитойнинг Гуан-чжоу шаҳрида бўлиб ўтган XVI Осиё ўйинларида бронза медалини кўлга киритдим. 2011 йилда эса Парижда ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳамда Дубайдаги Гран-при халқаро турнирларда совриндор бўлдим.

2013 йилнинг охирида Бирлашган Араб Амирликларида катталар ва ўсмирлар ўрасидаги Осиё чемпио-

натида олтин медални кўлга киритдим. Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида бўлган XVII Осиё ўйинларида менга қумуш медал тақдир этиди.

Халқаро мусобақалар шохсупасига чиққанамда, давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганда ҳар доим кўзимга ёш келади.

Мусобақалардан сўнг чет эллик тенгдошларим менга савол беришади. Ўтқаларим сабабини сўрашади. Мен уларга буни билиш учун

2015 йил. — Болалигида одамнинг орзулари кўп бўлар экан. Вақт ўтиб, ҳаётни англай бошлагач, фикрлар ҳам ўзгараверади. Солиқ коллежида тахсил олдим. Кейин Тошкент молия институтига ўқишга кирдим. Ҳозир 4-курсдаман. Кредит-иктисод факультетига банк йўналиши бўйича ўқиялман. Молия билан солиқ фаолияти бир-бирига боғлиқ, албатта. Молия пул ажратди, солиқ идоралари давлат газнаси учун солиқ йиғади.

Яқинда матбуотда ўқидим. Ўзбекистон — иқтисодиёти дунёда энг тез тараққий этаётган 5 мамлакатдан бири, деб тан олинди. Бунга, аввало, мамлакатимизда молия сиёсати тўғрисида ташкил этилганлиги туфайли эришилди, деб ўйлайман.

Мен ана шундай муҳим соҳа мутахассиси бўлаётганимдан фахрланаман. Ўқишни тугатгач, бор билимим, кучимни Ватанимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга, кучли ва билимли бўлишга астойдил ҳаракат қиламан.

Бизнинг томиримизда дунёни тафаккур зиёси билан ёритган аждод-

2015 йил. — Болалигимда онам Зухра Рамазонавага ўхшаб журналист бўлишни орзу қилганман. У киши Бухоро вилоят телерадиокорпорациясида катта муҳаррир бўлиб ишлайди.

Мақтабда яхши ўқиганлигим туфайли вилоят ҳокими стипендияси совриндори бўлдим, она тили ва адабиёт фанидан олимпиадада ғолибликни кўлга киритдим.

Вилоят телевидениесида муаллифлик кўрсатувлари тайёрладим. Бухоро давлат кўғирчоқ театрида «Биз тинчлик истаймиз» ва «Дўст бошига иш тушса» номли эртак-песаларим сахналаштирилди, биринчи шеърый китобим нашрдан чиқди. 2007 йилда Зулфия номидаги Давлат муҳофизатга сазовор бўлдим.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга имтиёзли қабул қилиндим, инглиз ти-



Барно МИРЗАЕВА,
Сурхондарё вилояти:

2003 йил. «Акам «Спортчи бўлсанг, ҳамма мақсадларингга эришасан», дейди. Мен эса кўпроқ китоб ўқишни яхши кўраман.»

Ўзбекистонга бориш керак. Бизда Президентнинг шахсан ўзи Болалар спорт жамғармаси Ҳомийлик Кенгашининг раиси ҳисобланади. У киши Ўзбекистон ёшлари соғлом, баркамол бўлиши учун доимо жон қуйдиради, деб айтаман.

Менинг барча ғалабаларим замирида, аввало, мустақиллик ва Президентимиз бераётган эътибор ётибди. Мен Ўзбекистон номи янада юксакларга кўтариш учун бор куч-ғайратимни бағишлайман.

Мустақиллик тенгдошларим менга савол беришади. Ўтқаларим сабабини сўрашади. Мен уларга буни билиш учун



Азиз ЗУБАЙДУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилояти:

2003 йил. «Хуқуқшунос бўлсаммикан... Ёмон одамларга жазо бераман. Яхшиларнинг ёнини оламан. Кинолардаги изкуварлардек жиноятчиларга қарши курашаман.»

ларимиз қони оқади. Халқаро майдонларда ўз билим ва салоҳиятини намойиш қилаётган ёшларимиз Ўзбекистонимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишида етакчи куч бўлишга ишонаман.

Бугун орзу-истакларимни аниқ белгилаб, олдимга юқори мақсадлар қўйганман. Оилам фаровонлигини таъминлаш, ота-онамга хизмат қилиш ва албатта, она Ватанимнинг тарақ-



Зебунисо МУРОДОВА,
Бухоро вилояти:

2003 йил. «Телевидениеда бошловчи бўлмоқчиман. Кейин таржимон ҳам.»

лини пухта ўзлаштирдим. «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатувига муаллифлик ҳамда бошловчилик қилдим.

Мен бахтлиман. Ўзбекистондаги Ватаним бор. Доимо кўллаб-қувватлайдиган Президентим бор. Барча эришган ютуқларим мустақиллик ту-

қиятига ҳисса қўиши, уни дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш. Бунинг ўзимнинг фарзандлик бурчим, деб биламан.

Орадан яна ўн икки йил ўтиб, «Ўзбекистон овози» газетаси муҳбири савол бериб қолса, сарҳисоб сўраса, жавоб беришим керак... Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий фарзанди бўлишга жон-жаҳд билан интиламан, изланаман.

2015 йил. — Болалиқнинг орзу ҳаёллари олам-жаҳон бўлади. 2003 йили «Ўзбекистон овози»да юқорида келтирилган ниятларимни баён этгандим. Китобга ошнолигим сабабли, катта бўлсам, ўқиб, етук мутахассис ва албатта, ҳоким бўламан, деганман. Туманимизнинг ўша пайтдаги ҳокими мактабимизга келиб, бизга китоблар совға қиларди. Шунинг учун ҳоким бўлмоқчи эдим...

Кейин қурувчилик касби мени ўзига жалб этди. Бу касбни бекорга танлаганим йўқ. Қурувчи бўм-бўш майдонда ҳақиқий мўъжиза яратади.

Мустақиллик туфайли қишлоқларимизда замонавий уйлар қурилмакда. Бири-биридан кўрак иморатлар қад кўтараяпти. Мана шу бунёдкорлик ишларида қатнашаётганимдан, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

Бугун қурувчи-устанинг даври келди. Одамлар яхши яшаш, чиройли уйлар қуриш учун ҳаракат қилмоқда. Юртдошларимизнинг бу борадаги диди ҳам баландлашмоқда.

Мустақиллик иншоотларига бир гишт қўйиш бахт, деб ўйлайман.

Мен истиқлол тенгдоши бўлганимдан доимо фахрланаман. Бу бизга яратганининг марҳамати бўлса керак. Мустақиллик байрами билан барча истиқлол тенгдошларини чин қалбимдан табриқлайман.



Ғанишер НАБИЕВ,
Наманган вилояти:

2003 йил. «Шифокор бўлмоқчиман. Дунёда энг ёмони — касал бўлиб қолиш. Беморларни тузатишни, оғриқларидан халос этишни хоҳлайман...»

2015 йил. — Тўғри, ўшанда муҳбир берган саволга шифокор бўлмоқчиман, деб айтгандим.

Лекин Наманган саноат коллежида ўқидим. Отам тадбиркор бўлгани учун унга эргашидим. Оилада тўғри фарзандман. Тезроқ ота-онамнинг ёнига кириб, уларга ёрдамлашгим келди.

Ҳозир ўз бизнесимни йўлга қўйганман. Бировдан кам жойим йўқ. Келажақда оилавий тадбиркорликка қўл урмоқчиман. Алоҳида цех очиш ниятим бор.

Илмий асосга эга бўлмаган тадбиркорликнинг келажаги йўқ, деб ўйлайман. Мен ўқиш ва амалий иш жараёнида савдо илмини, бозор талабларини кузатиб боришни, ишлаб чиқаришни режалаштириш этишни ўргандим.

Ўйлансам, фарзандли бўлсам, улардан бири, албатта, шифокор бўлишини истайман. Бу дунёда ёмон касб йўқ. Одамларга фойда берган, ўз соҳангга яхши билсанг, ҳаммаша эътиборда бўласан. Тўғриси, «Ўзбекистон овози»дан сўраб келишганини эшитиб, уларни мақсадида хабар топангидан кейин жуда ҳаяжонландим.

Мустақиллик тенгдошларига шунчалик эътибор беришгани учун таҳририятта миннатдорлик билдираман.

Тадбиркор сифатида Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаман. Ишларим янада юришиб кетса, тўлов-контракт асосида ўқишга кирган ёшларга ҳомийлик қиламан. Истеъдодларни қўллаб-қувватлайман.



Отабек
ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Андижон вилояти:

2003 йил. «Ҳоким бўлмоқчиман. Келажақда ҳоким бўлсам-чи, мактабимиздаги ҳамма болаларга кўп китоблар, қоптоқлар... яна компьютерлар совға қилардим.»

2015 йил. — Болалиқнинг орзу ҳаёллари олам-жаҳон бўлади. 2003 йили «Ўзбекистон овози»да юқорида келтирилган ниятларимни баён этгандим. Китобга ошнолигим сабабли, катта бўлсам, ўқиб, етук мутахассис ва албатта, ҳоким бўламан, деганман. Туманимизнинг ўша пайтдаги ҳокими мактабимизга келиб, бизга китоблар совға қиларди. Шунинг учун ҳоким бўлмоқчи эдим...

Кейин қурувчилик касби мени ўзига жалб этди. Бу касбни бекорга танлаганим йўқ. Қурувчи бўм-бўш майдонда ҳақиқий мўъжиза яратади.

Мустақиллик туфайли қишлоқларимизда замонавий уйлар қурилмакда. Бири-биридан кўрак иморатлар қад кўтараяпти. Мана шу бунёдкорлик ишларида қатнашаётганимдан, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман.

Бугун қурувчи-устанинг даври келди. Одамлар яхши яшаш, чиройли уйлар қуриш учун ҳаракат қилмоқда. Юртдошларимизнинг бу борадаги диди ҳам баландлашмоқда.

Мустақиллик иншоотларига бир гишт қўйиш бахт, деб ўйлайман.

Мен истиқлол тенгдоши бўлганимдан доимо фахрланаман. Бу бизга яратганининг марҳамати бўлса керак. Мустақиллик байрами билан барча истиқлол тенгдошларини чин қалбимдан табриқлайман.

ВА ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙМИЗ!



Замира АЛИЕВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси:

2003 йил. «Онамнинг ҳарбий кийимда юриши менга жуда ҳам ёқади. Ўқитувчилик ҳам яхши касб. Қайси бирини танлашни билмай турибман.»

2015 йил. — Онамга ўхшаб ички ишлар ходими бўлишни орзу қилганман. Орадан вақт ўтиб, укам спортнинг каратэ-до турига қатнай бошлади. Ҳар кун икамни машеулотга олиб бориб, ўзим ҳам спортнинг бу турига қизиқиб қолдим. Инсон бир мақсадга астойдил интилса, меҳр қўйса, албатта, ниятига етади. Машеулотлар давомида ўзимга бўлган ишонч ортди. Чемпион бўлишни орзу қила бошладим. Шу вақтга қадар каратэ-до бўйича 7 марта Ўзбекистон чемпиони, 3 карра Осиё чемпиони, 2 марта Осиё кубоги ва 8 марта Ўзбекистон кубоги волиби бўлдим.

2009 йилда пойтахтимиздаги Республика дизайн коллежини тамомлаб, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг педагогика факультети жисмоний тарбия йўналишига ўқишга кирдим. Аини вақтда магистратурада ўқияпман.

2007 йили Малайзия давлатида ўтказилган мусобақада иккита олтин ва битта кумуш медаль соҳиби бўлиб, каратэ бўйича Осиё чемпионлигини қўлга киритдим. Ўша йили Болгария шаҳридаги жаҳон чемпионатида, 2008 йили эса Италияда ўсмирлар орасида ўтказилган Жаҳон чемпионатида қатнашиб, кумуш ва бронза медал билан тақдирландим.

2012 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати бўлдим. 2014 йили Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида, 2015 йили Ўзбекистон чемпионатида олтин медаль, Клублар ўртасидаги Осиё чемпионатида кумуш ва бронза медалини қўлга киритдим.

Бугун Ўзбекистон ёшларига бутун дунё ҳавас қилади. Биз эришадиган ютуқлар юртимизда ёшларга кўрсатиладиган эътибор натижасидир.

Биз ёшлар бахтли бўлишимиз учун барча имконият бор. Мен буни ўзим мисолима айтаяпман. Интилсак, излансак, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз.

Ҳасан-Мирзо ЭҒАШ АЛИ РЎЗИМБОЙ ўғли,
Хоразм вилояти:



2003 йил. «Келажақда отам касбини эгалласамми, деб ҳам ўйлайман. Агар журналист бўлсам, аълочи болалар ҳақида кўп ёзаман...»

2015 йил. — Мактабда ўқиб юрганымда, отам Рўзимбой Ҳасан каби журналист бўлишни орзу қилганман. Маҳаллий матбуотда ўз хабар ва мақолаларим билан қатнашиб турганман. Бир кун солиқ тизимида ишлайдиган Сотимбой амаким «Даромадларини яширадиган кишилар ҳақида мақола ёзмайсанми?» деб қолди. У кишининг таклифи билан мақола ёзиб, маҳаллий газетада чоп эттирдим. Шундан сўнг солиқчи бўлишга аҳд қилдим.

Мактабни тамомлаганимдан сўнг Бухоро солиқ коллежига ҳужжат топширдим. Ушбу даргоҳда уч йил таҳсил олдим. 2011 йилда эса Тошкент Солиқ академиясига ўқишга кирдим.

Солиқлар — давлат иқтисодиёти таянчи, давлат ҳазнасининг асоси. Қайсики давлатда солиқ тизими тўғри, адолатли йўлга қўйилган бўлса, шу давлатда тадбиркорлик ривожланади. Янгидан-янги иш ўринлари яратилади. Корхоналар фаолияти кенгайди, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилади.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан солиқ ставкалари ривожланган давлатлар кўрсаткичларидан анча паст қилиб белгиланган.

Менинг назаримда ҳар бир фарзанд ота-она касбидан гурулраниши керак. Унинг қалбида ўша касб эгаларига ҳурмат туйғуси шаклланиши зарур.

Журналистик касбини энг олийжаноб касб, деб ўйлайман. Бирор жойга борсам, «Ўзбекистон овози»нинг Хоразмдаги муҳбири Рўзимбой Ҳасаннинг ўғлиман, деб фахр билан айтаман.



2015 йил. — Болалигимдан бувим, дадам, онамнинг эртақларини тинглаб улғайдим. Эртақдаги қаҳрамонларга ўхшаб ҳаракат қилардим. Эртақларнинг охирида яхшилик голиб, ёмонлиқнинг мағлуб бўлиши менга жуда ёқарди. Демак, ҳаётда ҳам шундай бўлади, деб ўйлайман. Вақт келиб, Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирдим.

Ўқиб давомида ҳам ўзбек халқ достонларини севиб мутлаа қилардим. Эртақлар, афсоналар, ривоятлар жону дилим эди.

Университетда иктидорли ёшларни чет элларга давлат гранти асосида ўқишга юбориш бўйича эълон қилинган танловда иштирок этдим. Хитойнинг Хинжиян Нормал университетида олти ой таълим олдим.

2015 йил. — Ота-онам болалигимда менга «Сен Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган кунда туғилгансан, бу кун биз учун қўшалоқ байрам», дейишарди. Мустақиллик тенгдоши бўлиш ҳам жуда катта бахт.

Мактабни тамомлаганимдан сўнг Чилонзор тиббиёт коллежининг ҳамширалик бўлимига ўқишга кирдим. Тиббиёт соҳасини танлаганим тўғри бўлган, деб ўйлайман. Доимо беморларга ёрдам беришга шошиламман. Бўш вақтим деярли бўлмайди.

Онам доимо тайинлайдилар, болам ҳеч кимни ноумид қилма, қўлингдан келганича ҳаммага кўмаклаш. Тиббиёт ходими энг

2015 йил. — Тўғри, болалигимда дипломат бўлишни орзу қилгандим. Марғилондаги иктидорли болалар гимназиясини тугатиб, Тошкент давлат шарқшунослик институтини академик лицейида ўқишни давом эттирдим. Инглиз ва хитой тилини чуқур ўргандим. Интернет орқали дунёнинг машҳур ёзувчилари асарларини мутлаа қилиб бораман.

Лекин шу орада дунёнинг турли бурчакларида бунёд этилган мухташам осмонўпар бинолар, бири-бирини тақрорламайдиган, меъморий очими ўзига хос бўлган ҳайратомуз иншоотлар ҳаёлимни буткул банд этди.

Ўша пайтда бизнинг Марғилон ва Фарғонада ҳам улкан бунёдкорлик ишлари бошланган эди. Мен энди қурилиш технологияси ва архитектурага оид чет эл тажрибаси билан қизиқиб қолдим. Бунда хорижий тилларни билганим қўл келди. Гарчи чет тилларга ихтисослашган лицейни тугаллаган бўлсам-да,



Лазиз АХУРОВ,
Самарқанд вилояти:

2003 йил. «Бувим эртақ айтганларида ҳамма берилиб тинглайди. Эртақчи бўламан, десам, бунинг учун кўпроқ ўқишинг керак, дейдилар.»

Болаларга нафақат ўзбек, балки жаҳон халқлари эртақларини ўқиб бериш керак, деб ўйлайман. Шунда уларнинг тасавури янада кенгайди.

Эртақ эшитган боланинг қалбида ёвузликка нафрат, яхшиликка интилиш туйғуси шаклланади. Мактаб ўқувчилари ўртасида

«Эртақ билимдонлари», «Ким кўп эртақ билади» каби танловлар ўтказилиб турилса, яхши бўларди. Ўзбек халқ эртақлари қаҳрамонлари сингари болалар ҳам кўркмас ва жасур бўлишларини истаيمان. Келажақда эртақлар бўйича илмий изланишлар олиб бормоқчиман.



Муқаддас САМУЕВА,
Тошкент шаҳри:

2003 йил. «Ҳамшира бўлмоқчиман. Улар доим оппоқ, чиройли кийимларда юрадилар. Уларга ҳавасим келади.»

аввало, одамларга меҳрибон бўлиши керак...

Мен қизларнинг тиббиётдан ҳабардор бўлишларини истаيمان. Бу уларга ҳаётда керак бўлади.

Бизнинг мамлакатимизда шифокорлик улғу касблардан ҳисобланади. Мен ўз танлаган касбимни яхши кўраман. Унга лойиқ бўлишга интиламман.



Исломбек КАРИМОВ,
Фарғона вилояти:

2003 йил. «Бобом, дадамлар дипломат бўласан, чет элларда элчи бўлиб, Ўзбекистонимиз шон-шухратини оламга ёясан, деганлар... Яқинда «Тулки билан хўроз» эртагини инглиз тилидан таржима қилдим.»

қурувчи-муҳандис бўламан, деган қатъий қарорга келдим. Фарғона политехника институтини қурилиш муҳандислари факультетини тугатдим. Ҳозир Марғилон шаҳар уй-жой кадастри идорасида мутахассис бўлиб ишлайман.

Бугун барпо этилаётган уй-жойлар, корхоналар, йўллар, кўприклар, санъат ва спорт саройларини кўриб, янги-янги лойиҳалар устида бош қотираман. Ўзбек ва жаҳон меъморчили-

гини уйғунлаштирган ҳолда янги лойиҳалар яратиш орзуим бор. Бизнинг аждодларимиз жаҳон меъморчилигининг энг шоҳ асарларини барпо этишган. Бугунги кунда ҳам улар ўз моҳиятини йўқотгани йўқ.

Меъморлар ҳамма замонларда ҳам эл ардоғида бўлишган. Мен танлаган касбимдан афсусланмайман.

Мустақиллик иморатлари лойиҳасини яратиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди.



Феруза МИРВАЛИЕВА,
Тошкент вилояти:

2003 йил. «Таржимон бўлмоқчиман. Яна чевар ҳам бўламан. Мен бутун дунёни, айниқса, Жанубий Кореяни, корейс тенгдошларимни кўришни хоҳлайман.»

2015 йил. — Бувим «Хунар ўрган болам, хунарли хор бўлмайди», дерди. Уч йил мобайнида тукувчиға шогирдлик қилган бўлсам, шу даврда бу касбнинг ипидан игнасиғача ўргандим. Кейин мустақил равишда иш бошладим.

Ҳозир ўзим изланиб топган янги-янги дизайнлар асосида болалар кийимларини, катта ёшдаги эркек ва аёлларнинг замонавий ва миллий либосларини тикаман.

Замон талабига қараб ишласанг, меҳнатинг ҳам қадр топар экан. Бундан оиламиздагилар, айниқса, онам жуда хурсанд. Чунки менга ёшлигимдан «Қиз боланинг қўлида бирорта хунари бўлиши керак», деб ўқитиб келарди.

Қиз бола ораста, пазанда, чевар бўлса, турмушга чиққанида ҳам рўзғорига барака қиради. Шунинг учун ҳам қизларнинг хунари бўлишига ота-оналар алоҳида эътибор қаратиши лозим, деб ўйлайман.

Энди ўзим замонавий бичим ва дизайнда яратган либосларимни кўргазмаларда намойиш қилишни режалаштириб турибман. Келажақда эса алоҳида либослар галереясини очиш ниятим бор. Агар ана шу орзуларим ушласа, албатта, чет элларда ҳам ўзбек халқининг бетакор миллий либослари кўргазмаларини ўтказаман.

Бунинг учун кўпроқ ўз устимда ишлашим, ўқиб-ўрганишим лозим. Бунга иродам етади, деб ўйлайман.



Баҳодир ЙЎЛЧИЕВ,
Сирдарё вилояти:

2003 йил. «Бизнинг маҳаллада тош кўтарадиган, кураш тушадиган полвонлар кўп. Мен ҳам полвон бўламан.»

2015 йил. — Мактабга борган илк кунларимданоқ спортга қизиққанман. Дарс тугагач, тушлик ҳам қилмасдан стадионга чопардик. 5-синфга ўтганимда, қўл жанги билан шувуллана бошладим. Касб-хунар коллежиди ўқиган кезларимда тош кўтаришга ҳавас уйғонди. Устозим Лочин Ҳусановдан тош кўтариш сир-асрорларини кунт билан ўрганиб, жиддий шувуллана бошладим...

Дадам кўпинча ўз болалиги ҳақида гапирарди. «Агар ёшлигимизда бугунгидай шароитлар бўлганда, орамиздан жуда кўп машҳур инсонлар чиққан бўларди. Ким билади, мен ҳам сенга ўхшаб чемпион бўларимдим», дейди.

Мен ўтган йиллар давомида тош кўтариш бўйича йигирма марта республика мусобақаларида қатнашиб, ҳар сафар голиб бўлганман. 2014 йил 8 июнда Франциянинг Лион шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада жаҳон чемпиони, деган номга эришдим. Голибларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

Спорт билан шугулланган бола, энг аввало, соғлом бўлади. Кучли бўлади. Иродаси мустаҳкам бўлади. Шунинг учун ҳам ота-оналаримиз болаларини полвон, деб эркаласа керак.

Яқиндагина, 20-23 август кунлари Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида навбатдаги жаҳон чемпионатида саралаш мусобақалари ўтказилиб, унда 300 дан ортиқ полвонлар иштирок этишди. Шу беллашувда ўз вазним бўйича голибликни қўлга киритиб, 24 август кунини уйга етиб келдим. Барча устозлар ва ошна-оғайниларим йиғилишиб, мени кутиб туришган экан. «Нима гап?» деб сўрасам, «Бугун сен учун қўшалоқ байрам, шуни нишонлаётимиз», дейишди. Қарангки, 24 август — туғилган куним ҳам эсдан қаёқазиди.

Ҳозир Бахт шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди ёшларга мураббийлик қилияпман.

Ўн икки йил балки тарих учун унчалик катта фурсат эмасдир. Лекин мана шу ўтган давр ичида истиқлол тенгдошлари барчанинг ҳавасини, ҳайратини уйғотадиган оламшумул ютуқларга эришганига гувоҳ бўлдингиз. Ишонинг, ҳали улар бутун дунёни қойил қолдиради. Ўзбекистон доврғини жаҳон узра ёйишади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам бўлмаган, кам бўлмайди ҳам.

Мустақиллик бизга берган неъматлар ичида энг улуғи тинчлик бўлса, энг қадрлиси ўз фикримизни эркин ифода этиш имкониятидир.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 29-avgust. Shanba
102-103 (32.006)-son
www.uzbekistonovozi.uz

7

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, МУЛОҲАЗА



Сиёсий партия сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилмоғи лозим

ЎзДП Андижон вилоят кенгаши раиси банд бўлгани боис, бироз куттишга тўғри келди. Фурсатдан фойдаланиб, ёнимда ўтирган отахонга юзландим. Ташрифнинг мақсадини сўрадим. Қўринишдан етмиш ёшлар чамасидаги отахон ўзини Сардор Шамсуддинов, деб таништирди. Сўбат давомида унинг 81 ёшида эканини эшитиб, ёш қўринишининг сирини сўрадим. «Яхши ниятда ҳаракат қилган, меҳнатдан тўхтамаган одам қаримаса керак-да, қизим», деди отахон.

— Партиямиз кенгашига деярли ҳар куни келаман, — деб сўзида давом этди **Сардор Шамсуддинов**. — Бугун маҳалламизда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилага ижтимоий ёрдам берилишини сўраб, депутатта мурожаат қилмоқчиман. Яқинда маҳалламиз аҳолиси коммунал хизмат сифатини яхшилаш бўйича айрим тақлифларини айтган эди. Депутатлар ва партия фаолларининг қўмағида масалага ечим топилди. Бу билан ЎзДПга одамларимизнинг ишончи ортди.

Ўзим партияга аъзо бўлиш билан бирга, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимининг ёшлар билан ишлаш комиссия-

си раисиман. Ёшларнинг қалбига йўл топиш учун сўзингиз, тақлифнингиз уларнинг қизиқишлари билан муштарак бўлмоғи лозим. Партия аъзосидан ҳам ана шу талаб этилади. Партия томонидан олиб борилаётган ишлар аҳолининг истакларига мос келса, депутатлар ҳаммаша халқ орасида юриб, иссиқ-совуқдан бохабар бўлсагина, қўзланган натижага эришладим.

Отахон билан вилоятда олиб борилаётган ишларнинг, ЎзДП ташкилотлари ва депутатлари фаолияти ҳусусида сўбатлашдик. Унинг сўзларидан одамлар орасида ЎзДПга ишонч ортиб бораётганига амин бўлдим.



Мамиржон ИКРОМОВ,
ЎзДП Андижон вилоят
кенгаши раисининг
ўринбосари:

— Мустақиллик бизга берган неъматлар ичида энг улуғи тинчлик бўлса, энг қадрлиси ўз фикримизни эркин ифода этиш имкониятидир. Халқимизнинг ҳуқуқий билими мустаҳкамлашиб, сиёсий тафаккури бойиб бора-

ётгани мамлакатимизда рўй бераётган ислохотларга муносабатда намоён бўлмоқда. Хусусан, халқимизнинг сиёсий партияларга бўлган ишончи Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тўшаётган мурожаатларда ҳам ўз

ифодасини топмоқда.

Бугун маҳаллий Кенгашлар қошида 18 та Жамоатчилик қабулхонаси фаолият юритмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 350 га яқин мурожаат келиб тушди. Улар асосан ижтимоий масалаларни қамраб олган. Масалан, коммунал соҳа, ер олиш, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит олиш бўйича қўлаб мурожаатлар тушган. Мурожаатларнинг ҳозиргача 75 фоизи ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, шу йилнинг 8 август куни Булоқбоши туманининг «Ширмонбулоқ» дам олиш мас-канида кўчма Жамоатчилик

қабулхонаси ташкил этилди. Унда аҳоли вакиллари ўзларини ўйлантираётган қўлаб масалаларда партия фаоллари ва депутатларга мурожаат қилишди. Жумладан, «Ўчтепа» маҳалласида яшовчи Нозимжон Олимжонов Бўстон кўчасидаги 4 км. йўлни асфальтлаш, Навоий номида маҳалла фуқароси Ҳабибхон Тўланова Саломатлик кўчасидан чегара ҳудудгача бўлган асосий йўлни таъмирлаш бўйича, шунингдек, «Ширмонбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Мухайё Қораева Оксус кўчасида ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича мурожаат қилишди. Депутатлар ва фаоллар ёрдамида

мурожаатларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Туман «Ав-тойўл» бўлими томонидан Бўстон кўчасидаги 4 километрлик масофага асфальт ётқизи-либ, таъмирлаш ишлари бошланди.

Яқинда ЎзДП туман ва шаҳар кенгашлари ҳузуридаги Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқдик. Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти ҳақида аҳолига янада кенг-роқ маълумот бериш мақсадида уларнинг манзили, қабул қуна-ри ва соатлари тўғрисида таш-рифномалар тайёрланиб, бош-ланғич партия ташкилотларига етказилди.

ятини янада такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхши-лаш бўйича зарурий чораларни кўриш юзасидан аниқ тақлиф-

лар берилди. Сессия қарорига асосан ҳозир музейларда ре-лаш бўйича зарурий чораларни кўриш юзасидан аниқ тақлиф-

Партия гуруҳи ҳақида фикр

Партия гуруҳлари, аввало, электорат манфаатларидан келиб чиқиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши йўлида аниқ тақлиф ва тавсияларни бериши, уларнинг тегишли доимий комиссия ва сессияларда муҳокама қилинишига эришиши керак. Шунингдек, давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш амалиётидан кенг фойдаланган ҳолда, бу борадаги таҳлилий ишларни кучайтириши лозим.



Абдулҳамид НУРМАТОВ,
ЎзДП Андижон вилоят
кенгаши раиси, халқ
депутатлари вилоят
Кенгашидаги партия
гуруҳи раҳбари:

— Маълумки, мамлакатимиз-да Андижон ҳудуди жиҳатдан энг кичик, аҳолиси энг зич joyлаш-ган вилоят ҳисобланади. Азал-дан хунармандлар юрти, деб эътироф этилган вилоятимиз бу-гунги кунда ишлаб чиқариш ва саноат соҳасида ҳам қўлаб ютуқларга эришмоқда. Биргина Асака автомобил заводи ва унинг қошида ташкил этилган ўнлаб кўшма корхоналарда минг-лаб ҳамюртларимиз фаолият олиб бормоқда. Улар халқимиз турмуш фаровонлигини таъмин-лаш билан бирга, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришти.

Айни пайтда Андижон улкан қурилиш майдонига айланган. Мустақиллик байрами арафаси-да намунавий лойиҳа асосидаги янги уйлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектлари би-рин-кетин фойдаланишга топши-рилляпти. Шаҳар ва қишлоқлар-нинг қиёфаси тубдан ўзгараёпти. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантириш, рақобат-бардош маҳсулотлар ишлаб чи-қариш, замонавий маиший хиз-мат кўрсатиш марказлари бар-по этиш борасида ҳам эътибор-га молик ишлар олиб боришмоқ-да, қўлаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Ана шу кенг қам-ровли жараёнда партиямиз кен-гашлари ва маҳаллий Кенгаш-лардаги гуруҳларимиз ҳамкорли-ги яхши самара бермоқда.

Халқ депутатлари Андижон ви-лоят, туман ва шаҳар Кенгашла-рида жами 160 нафар ЎзДПдан сайланган депутат фаолият олиб бормоқда. Бу кўрсаткич умумий депутатлик ўрнининг 37 фоизини ташкил этади. Демак, партиямиз Сайловолди дастурида белгилан-ган вазифаларни амалга ошириш-да етарлича куч ва имкониятга эга-миз.

Ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дас-турлари ихросини самарали таъминлаш мақсадида турли ташкилотлар билан ҳамкорлик-да тадбирлар ўтказилляпти. Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жам-ғармаси, Хотин-қизлар қўмита-си, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлимлари билан дои-мий алоқа ўрнатилган.

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ихросини таъ-минлашга қаратилган «Кексалар-нинг фаровон ҳаёти учун масъ-улимиз» лойиҳаси доирасида ви-

Депутат фикри

«Жамоатчилик қабули»дан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига» акциясини янада такомиллаш-тиришимиз керак. Партия гуруҳлари фаолияти самарадорлигини оширсак, аҳоли мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилсак, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшган бўламиз. Шу билан бирга, муайян масалани ўрганиш, ҳал этиш чоғида партия аъзолари, фаоллардан фикр сўраш, уларнинг бу борадаги тақлифларини билиш механизмни кучайтиришимиз зарур, деб ҳисоблайман.

лоятдаги нуронийлар, яқка-ёлғиз фуқаролар, имконияти чекланган ва ижтимоий ҳимояга эhtiёж-манд кишиларнинг ҳолидан ҳа-бар олинди. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ижтимоий-иқти-содий ривожланишга таъсир қилувчи 10 масала партия гу-руҳларида ўрганилди. 10 маса-ла доимий комиссияларда му-ҳокама қилиниб, 2 таси ижобий ҳал этилди, 8 масалани сессия-га олиб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шунга қарамай, иш ҳамма жойда ҳам бирдек самарали ташкил этиляпти, деб бўлмай-ди. Аҳоли бандлигини таъмин-лаш масалаларида депутатлик ва жамоатчилик назоратини ку-чайтириш борасида айрим ша-ҳар ва туманларимизда сусткаш-лика йўл қўйилмоқда.

Пактабод, Ҳўжабод, Шах-рихон туман партия кенгашлари айрим вазифаларга совуққонлик билан қараяпти. Ишга бундай муносабат эртага қимматга ту-шиши мумкин. Бугунги одамлар ким қандай ишлаётгани, қайси сиёсий партия уларнинг ман-фаатини ҳимоя қилиш учун ку-рашаётганини кузатиб, билиб ту-рибди. Сайловчилар олдида юзимиз ёруғ, эл-юрт орасида обрўйимиз янада мустаҳкам бўли-ши учун биз ҳар бир партия таш-килотида ишчи тизими ва сама-рели ташкил этишимиз керак.



Зайнобиддин
НИЗОМИДДИНОВ,
ЎзДП Андижон вилоят
кенгаши бўлим мудири:

— Ҳаммамиз ишимизда амалий натижа бўлишини, бирор-бир янгилик қилишни истаймиз. Ай-ниқса, партия аъзолари ва депу-татларнинг зиммасидаги масъу-лият катта. Чунки бизнинг фаоли-ятимиз бевоқос одамларнинг ишончи, эл-юрт манфаати билан боғлиқ.


Партиямиз Ҳаракат дастурида ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган қатор вазифалар бел-гиланган. Ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратялми-з. Жумладан, ўтган давр мобайнида партиямиз ташкилотлари ва де-путатлари вилоятимизнинг ижти-моий-иқтисодий тараққиётига



Барно СОЛИЕВА,
ЎзДП Андижон вилоят
кенгаши хотин-қизлар
ижтимоий-сиёсий
фаоллигини ошириш сектори
мудири:

— Мамлакатимизда аёлларга бўлган юксак эътибор натижа-сида улар нафақат ижтимоий соҳа-ларда, балки сиёсий ва иқтисо-дий жабҳаларда ҳам фаоллик

кўрсатишмоқда. Бугун аёл илгор тадбиркор, изланувчан фермер, қучли сиёсий арбоб сифатида ўзини намоён этаётгани барчамиз-га маълум. Партиямиз сафида ҳам



Ихтиёр АМИНОВ,
ЎзДП «Истиқбол» ёшлар
қаноти вилоят бўлими
етакчиси:

— ЎзДП Андижон вилоят кенга-ши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаол-лари 11050 нафарга яқин бўлиб, ви-лоятдаги партия аъзоларининг 40 фоизини ташкил этади. Бугун улар вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисо-дий ҳаётида, жумладан, фан, таъ-лим, санъат, спорт, маданият ва хунармандчилик каби соҳаларда са-марали фаолият юритяпти.

Халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кен-гашларига партиямиздан сай-ланган депутатларнинг 10 на-фарни 30 ёшгача бўлган ёшлар-дан иборат. «Истиқбол» ёшлар қаноти қошида «Ёш сиёсатчилар» клуби, «Сиёсий шарҳловчилар» маркази, «Ёш ташаббускорлар» мактаби ҳамда «Ёшлар ҳуқуқий

юзлаб ана шундай фаол опа-сингилларимиз бор.

ЎзДП Андижон вилоят кенга-ши «Фаол аёллар» қаноти аъзо-лари бутун қарийб 13250 нафар-ни ташкил этади. Улар орасида барча соҳа вакиллари жамланган. «Фаол аёллар» қаноти томонидан жорий йилнинг ўтган даврида 80 дан ортиқ тадбирлар, давра суҳ-батлари, ўқув-семинарлар, қола-верса, спорт мусобақалари таш-кил этилди. Уларда 4500 нафар-дан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди.

Айтиш жоизки, тадбирларда хотин-қизлар саломатлигини му-ҳофаза қилиш, уларни соғломлаш-

маслаҳатхонаси» бўлимлари қўлаб ёшларни ўзига жалб қил-ган. Унда йигит-қизларнинг банд-лик масаласи, спорт ва санъат со-ҳасидаги ютуқларини кенг муҳо-кама этилди, шунингдек, турли семинарлар орқали уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкам-лашга эътибор қаратилди.

Шу кунга қадар жойларда «Истиқбол» ёшлар қанотининг ҳудудий бўлимлари билан ҳамкор-ликда «Ватанимиз тараққиёти-га масъулимиз» лойиҳаси, «Ёш-лар орасидаги соғлом муҳит — мамлакат барқарорлигининг кафолатидир», «Ёшларга оид қонунчилик виллар нигоҳида», «Кексаларимиз ёшлар ёъзоз ва эътиборида», «Қоллеҳдан — қорхонага», «Ёшларни ёт го-ялар ва турли қарашлар таъсиридан асраш — мақсадимиз» мавзу-

тириш, бандлигини таъминлаш, турмуш маданиятини ошириш, ма-иший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Биргина «Ижтимоий ҳимоядан — ижтимоий фаол-лик сари» лойиҳаси натижасида 130 нафарга яқин хотин-қиз оила-вий тадбиркорлик, қасаначилик, хунармандчиликда ўз фаолиятини бошлаши учун қўмақлашди.

Қувонарлиси, сифимиз борган сари кенгаймоқда. ЎзДП Мар-казий Кенгаши ташаббуси бил-ан вилоятимизда «Қучли иж-тимоий сиёсат — хотин-қизлар турмуш фаровонлигини оши-ришнинг муҳим омилдир»

ларидан 130 дан ортиқ давра суҳ-батлари ҳамда туркум тадбирлар ўтқа-зилди. Бунинг самараси ўлароқ юзлаб ёшлар партиямиз сафига қўшилди.

Бундан ташқари, «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан йигит-қизлар учун тавсиялар, қўлабма-лашга эътибор оид қонун ҳужжа-тлари

мавзусида бўлиб ўтган давра суҳ-батларида 160 нафар хотин-қиз партиямиз сафига қабул қилинди.

Фикримча, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик-ни кучайтиришимиз зарур. Шунингдек, фаол хотин-қизларни аниқлаб, маълумотлар базасини яратиб, уларни партия ишига жалб қилишга қаратилган туркум тадбирларни ташкил этиш керак. Партиямиз сафида фаол, ҳуқуқий жиҳатдан билимдон хотин-қиз қанча кўп бўлса, ишимиз самара-си шунча ошади.

ларидан 130 дан ортиқ давра суҳ-батлари ҳамда туркум тадбирлар ўтқа-зилди. Бунинг самараси ўлароқ юзлаб ёшлар партиямиз сафига қўшилди.

Олдимизда турган асосий ва-зифалардан бири иқтидорли ва на-мунали йигит-қизларни сифимиз-га кенгроқ жалб этиш, энг муҳи-ми, уларнинг ўзига, келажака ишончини мустаҳкамлашимиз ке-рак, деб ўйлайман.

Маълумки, ЎзДП аҳолининг эhtiёжманд қатламлари ижтимоий қўлаб-қувватлашига, давлат дастурлари бажарилиши устидан пар-ламент ҳамда жамоатчилик назорати тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Албатта, бу ўз-ўзидан бўладиган жа-раён эмас. Бунинг учун партия ташкилотларининг ҳар бир масъул ходими, ҳар бир депутат астойдил ишлаши, янги имкониятларни қидириб топиши, тақлифларни амалга ошириш йўлида қатъият ва талабчанлик кўрсатиши зарур. Андижон вилоят партия кенгаши етак-чилари ва фаоллари билан бўлиб ўтган суҳбатда уларда шундай шжоат, ишонч борлигига амин бўлдик.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.



Музейда байрам кўргазмасы

Республика Қуролли Кучлари давлат музейида мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган фотокўргазма ўтказилди.

Унда Ватанимиз сарҳадларида юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз фаолиятига оид фотосуратлар намойиш этилди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги вакиллари, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, санъат арбоблари ҳамда Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида жон фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирок этди. — Бундай тадбирларнинг маънавий, тарбиявий аҳамияти катта, — дейди хизмат вазифасини адо этаётган пайтда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи Жаҳонгир Тагаевнинг турмуш ўртоғи Нафосат Йўлдошева. — Фарзандларим улғайиб, ҳаётда ўз ўрнини топса, «отасига раҳмат» деган гапни эшитсам, ниятимга етган бўлман. Кўргазмада 20 га яқин профессионал ва ҳаваскор фотосуратчиларнинг 100 дан ортиқ ишлари намойиш этилди.

Шаҳбоз САИДОВ

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Жаҳон бозорига йўл

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ МУСТАҚАМЛАШ ВА ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ БАҲАҚАРОР ОШИРИШДА МИЛЛИЙ БАНК ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ КўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Жамғарманинг Фарғона вилоят филиали томонидан жорий йилнинг ўтган етти ойида 173 кичик бизнес ва хусусий бизнес субъектларига ҳуқуқий маслаҳат ёрдамлари кўрсатилди. Бунинг самараси ўлароқ улардан 55 таси томонидан 63,4 миллион АҚШ долларилек маҳсулотлар экспорт қилинди. Бундан ташқари, 23 янги корхона томонидан салкам саккиз миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар хорижга жўнатилган. Корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида вилоятда тегишли бошқармалар масъул ходимлари иштирокида иккита ишчи гуруҳи ташкил этилди. Эндиликда улар вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманидаги ҳўжалик субъектларига маҳсулотларини экспортга йўналтиришда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Жамғарма ташаббуси билан жорий йил 19-20 февраль кунлари Фарғона шаҳрида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорти ва унда логистика тизимининг ўрни масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Фарғона, Наманган вилоятларидаги деҳқон ва фермер ҳўжаликлари, агрофирмалар, қишлоқ ҳўжалигида банд бўлган кичик бизнес корхоналари, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари билан бир қаторда Қозғистон ва Латвия сав-



до мажмуалари, халқаро ташкилот вакиллари ва экспертлар иштирок этишди. Тадбир қатнашчилари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ва логистика бўйича Ўзбекистонда яратилган имкониятлар ва қўлайликлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди. Шунингдек, водийда етиштирилган ва қайта ишлаб, қадоқланган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари кўргазмаси билан ҳам танишиб чиқдилар. Қозғистон, Латвия савдо мажмуалари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сотиб олиш юзасидан 21 та, жами 115,7 миллион АҚШ долларлик ҳамкорлик битимлари имзоланди. Жамғарманинг молиявий кўмағида 13 кичик бизнес субъекти вакиллари Россияга бориб келдилар. Сафар чоғида фарғоналик тадбиркорлар россиялик ҳамкорлар билан 13 миллион АҚШ доллари миқдоридagi экспорт шартномаси ва 3 қўшма корхона ташкил этиш юзасидан ҳамкорлик битимини имзолашга

муваффақ бўлишди. Шу билан бирга, жамғарма филиали мутахассислари савй-ҳаракати билан Чехия ва Россиядан мева-сабзавотлар, мош, ловия, томат пастаси, ошқовоқ уруғи ва асал учун доимий улгуржи харидорлар топилди. Хорижий талабгорларнинг манзиллари ва телефон рақамлари шакллантирилиб, шаҳар ва туман ҳокимликлари, агрофирмалар уюшмаси ва фермерлар кенгашига тақдим этилди. Шунингдек, яқинда Хитойнинг Урумчи шаҳрида ўтказилган озиқ-овқат маҳсулотларининг иккинчи халқаро кўргазмасида жамғарманинг молиявий ва ташкилий кўмағида Фарғонадан бир қатор агрофирма ва фермер ҳўжаликлари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Буларнинг бари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини экспорт қилишига шароит яратмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хизматлар лицензияланган.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Самарқанд шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактабида тахсил олаётган ўқувчилар ўз иқтидорларини республика ва халқаро мусобақаларда намойиш этиб келишмоқда.

Иқтидорли ўқувчилар маскани

Бу даргоҳда иқтидорли ёшлар кўпчиликини ташкил этади. 2014-2015 ўқув йилида 7-синф ўқувчиси Далер Шавкатов дунёнинг 36 мамлакати мактабларидан 500 нафар ўқувчи иштирок этган Dance Olympiad Riga — 2015 халқаро олимпиадасида замонавий ўйинлар бўйича Гран-при мукофотини қўлга киритди. Тўрт нафар ўқувчи эса «Умид ниҳоллари» беллашувининг вилоят босқичида ғолиб бўлди. «Билимлар беллашуви»нинг шаҳар босқичида 11 нафар, вилоят босқичида 2 нафар ўқувчи совринли ўринларни эгаллади.

— Жамоамиздаги 62 нафар ўқувчининг барчаси замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб дарс ўтади, — дейди мактаб директори Зулхумор Нуриддинова. — Улар ўқув машғулотларида бутун аудиторияни қамраб олишга интилади. Шунинг учун ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришиб келмоқдамиз.

Мактабда янги ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилди. Мавжуд 44 синф хонаси, маънавият хонаси, фаоллар зали, биноларнинг ички ва ташқи қисми таъмирланди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади

Сурхондарё вилояти, Сарисой туманидаги 9220-сон ҳарбий қисмининг 8-постини мукамал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 396,954 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 330,795 млн. сўм, қурилиш муддати — 120 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Телефон/факс: (0-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилаётган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларида «Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестри»га киритилган қурилиш ташкилотлари иштирокига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридagi айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилинчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги 1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан, ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилад.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» кўмитасининг Сурхондарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уй. Телефон/факс: (376) 223-44-73, 223-44-78.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри Тараққиёт кўчаси, 36-«А» уйда ўтказилад.

STANDARD & POOR'S RATINGS SERVICES

халқаро рейтинг агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредит рейтингларини тасдиқлади

Рейтинглар прогнози: «Барқарор»

Ватанимиз равнақи йўлида Сиз билан бирга!

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihiiddin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45 Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 859 10987 nuxxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'za yakuni — 01.35 Topshirilgan vaqti — 05.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

2 3 4 5 6